


Qie'atshmasi

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 11 (220) 2013 YIL, DEKABR ISSN-2010-9393



“Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши, аввало Конституцияимизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳияти, унда мужассам бўлган принциплар, қоида-нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканлигини яққол намоён этади”.

Ислом КАРИМОВ.

Тантанали йиғилиш

Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, “Ҳар бир халқнинг юзи, обрў-эътибори унинг конституцияси ҳисобланади. Зотан, конституция давлатни лавлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир”. Мустақиллигимизнинг дастлабки даврларидаёқ кучли конституцияга эҳтиёж сезилди. Бу қонунлар мажмуаси мустақилликнинг даври қонунларидан тубдан фарқ қилиб, Инсон манфаатлари устига қурилиши даркор эди. Ўзбекистон Республикаси Давлат Конституцияси лойиҳаси тайёрланиб, халқ муҳокамасидан ўтгач, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. У ўтган йиллар давомида Давлатимиз раёнида юксак аҳамият касб этиб келаётир.

Шу кунларда юртимиз бўйлаб Конституция қабул қилинган кун кенг нишонланмоқда. Яқинда институтимизнинг “Маданият саройи”да ҳам байрам тантанаси кўтаринки руҳ билан ўтказилди. Тадбирни институтимиз ректори, профессор Олимжон

Мусурмонович Дўсमतов табрик сўзи билан очиб берди. Сўнгра институт профессор-ўқитувчиларидан Ижтимоий фанлар кафедраси мудираси, фалсафа фанлари доктори, профессор Бахти Очилова нутқ сўзлаб, асосий қонунимиз қабул қилинишининг тарихий аҳамияти ва бугунги кунда тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, байрам тадбирида “Бошланғич таълим” йўналиши толиби, Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори Фарҳод Йўлдошев сўзга чиқиб барчани байрам билан табриклади. Шундан сўнг йил давомида фан ва таълимда алоҳида намуна кўрсатган профессор-ўқитувчилар ва талабалардан бир гуруҳи институт ректорати томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Байрамнинг бадиий қисми ҳам жуда мароқли ва кўтаринки руҳда ўтди.

Моҳинур ИСМОИЛОВА,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Номдор стипендиялар совриндорлари

Навоий номидаги
Давлат стипендияси

КАРИМОВ Санжарбек Сувон ўғли
Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети
4 курс талабаси



Навоий номидаги
Давлат стипендияси

Йўлдошев Фарҳоджон Бахтиёр ўғли
Бошланғич таълим педагогикаси факультети
4 курс талабаси



Улўзбек номидаги
Давлат стипендияси

ҲАБИЕВ Фаррух Маратович
Табиатшунослик ва география факультети
4 курс талабаси.



Голиб талабаларимизни институт ректорати ва барча жамоат ташкилотлари ҳамда профессор-ўқитувчилари ва талабалари номидан табриклаймиз.

Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдевори

Асосий Қонунимиз ҳисобланган Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганига 21 йил тўлди. Ушбу кун Мустақил Ўзбекистон ҳаётида бекиёс сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик тарихий кун бўлиб қолди. Энг муҳими, инсонларнинг ҳуқуқий дунёқараши тикланиб, улар демократик ҳуқуқий давлат қадриятларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Мана шундай чуқур ўзгаришларда суверен Ўзбекистоннинг асосий Қонуни – Конституция муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Хур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш – мамлакатимизнинг янгидан тўғилишидир, ҳуқуқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир”. Конституцияимиз асосий Қонунимиз сифатида давлатни давлат, миллатни миллат қиладиган Қонунларга асос бўлиши муқаррар.

Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафий гоёсига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийлик кабилардан асар ҳам йўқ.

Ҳақиқатдан ҳам, эришган ютуқларимиз бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, эртанги кунга бўлган ишончимиз, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимиз негизда Конституцияимизда белгилаб берилган Қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ҳамда уларни изчил равишда ҳаётга тадбиқ этаётганимиз мужасамдир.

Хусусан, Асосий Қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлари кафолати тўғрисидаги нормалар мустаҳкамлангани жамятда инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун эканлигини кафолатлаб келмоқда.

Бугун Ўзбекистон инсон ва унинг манфаатлари устувор бўлган ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамяти барпо этиш йўлидан дадил бормоқда. Бунда айниқса мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатда давлат ҳокимияти ва бошқарувларни ташкил этиш тартиби ва мазмунига алоҳида эътибор билан ёндошиб келинаётгани муҳим омил бўлмоқда. Конституцияимизда давлат халқ иродасини ифода этиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамят ва фуқаролар олдида масъуллиги аниқ белгилаб қўйилгани ҳам бежиз эмас. Шунингдек, унда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги, давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб Конституция ва у асосида қабул қилинган Қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши аниқ, равшан ўз ифодасини топган. Давлатимизнинг Асосий Қонунида “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг барча принцип ва қоидалари ўз аксини топган.

Конституцияимиз асосига қўйилган чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётийлиги ва амалиётга тўғри тадбиқ этилишининг самараси ўтган давр мобайнида эришилган ютуқ ва марраларимизда халқимизнинг фаровонлиги ошиб боришида, жаҳон ҳамжамятида мамлакатимиз обрўси

тобора юксалиб бораётганлигида кўришиб турибди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ушбу муҳим вазибаларни ҳаётга тадбиқ этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилапти. Ҳар бир шахс кундалик ҳаётда Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига бевоқифа мурожаат қилади ҳамда ушбу асосий Қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий юридик ҳужжат сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам демократик жамятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётда учрайдиган муаммоларнинг ечимини айнан Конституциядан топа билиши зарур.

Конституция – Асосий Қонун сифатида барча қонунчилик соҳаларининг бош манбаи ҳисобланади. Чунки Конституцияда халқнинг олий иродаси ўзининг қонуний ифодаси ҳамда муҳтасар баённи топади.

Конституцияимиз мустақиллик рамзи, инсонпарвар қомус сифатида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек таъкидлаб ўтиш керакки, демократия ва инсон ҳуқуқи жамятимизда фақат қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўзлигини англаши, унинг эзгулик ҳамда бунёдкорлик каби ахлоқий тажрибаси билан ҳам мустаҳкамланмоқда. Инсон ҳуқуқларини тўлақонли идрок этиш ва шахсни ҳурмат қилиш миллий маданиятимиз ва ёш давлатчилигимизни бойитади, десак тўғрироқ бўлади.

Конституцияимиз жамятнинг ривожланишида ва давлат қурилишида янги босқичга ўтишга далолат берувчи ижтимоий – сиёсий ўзгаришларга асос солди. Конституция қабул қилинган қонунлар эътиборан ўтган давр ичида мамлакатда халқимиз ҳаётида асрлар мобайнида юз бериши мумкин бўлган ижобий ўзгаришларга эришилди. Шунингдек, жаннатмакон юртимиз шўролар даврдан мерос бўлиб қолган чуқур иқтисодий таназзулдан батамом халос бўлди. Олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий – маърифий ислохотлар туфайли бозор муносабатларига асосланган иқтисодий қарор топди, демократия тамойилларига асосланган миллий давлатчилигимиз шаклланди. Бугунги кунда барча соҳалар жадал суръатларда ўсиб бормоқда, кишиларимизнинг турмуш кечириш тарзи янгилашмоқда, уларнинг тафаккурига миллий истиклол гоёси кундан-кун чуқурроқ сингиб бормоқда. Бу эса Конституцияимиз тўла маънода инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳуқуқий қомус эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга у ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи ва қадриятлари, маънавияти, маданиятининг маҳсули бўлиб ҳам хизмат қилиб келмоқда. Шунинг учун биз фуқаролар Конституция ва у асосида қабул қилинган қонунларимизга ҳар доим ҳурмат билан қараймиз ва турмуш тарзимизни шу асосда ривожлантираемиз.

Илём АТАБЕКОВ,
Тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси йўналиши талабаси.

Бугунги сонда:

2 **Конституция – эркинлигимиз кафолати**

Узлуксиз таълим

сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий муаммолари тўғрисидаги илмий конференция

3 **Огоҳликка даъват**

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ – миллий қадриятларга таъжовуз

4 **Бахт ва шодликни қўйлаган шоир**

Конституция ~ эркинликимиз кафолати

Ҳуқуқий шарт-шароит яратилди

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мустақил демократик давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишининг асосий шарты Конституциянинг мавжудлигидир. Давлатнинг ўз олдига қўйган муҳим вазифаларидан бири ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, таъминлаш ва кўриклашдир. Бу вазифанинг ҳуқуқий ифодаси давлат Конституциясида акс этади. Ҳуқуқий демократик давлат эркинликнинг асосий шарты бўлиши шарт. «Демократиянинг энг муҳим принциплари – иродаси эркин ифодаланган, ўз манфаатларини рўйбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳуқуқий шарт-шароит, ҳуқуқий замин яратиш бериш лозим», - деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Шунингдек, давлат тузуми, унинг таркибий қисми, тузилиши, жамиятдаги умумий қонун-қоида, талабларнинг, иқтисодий ривожланиш жараёнлари инсоннинг маънавий камолоти, юксак ахлоқийлиги билан уйғунлашган ҳолда мамлакатнинг Асосий қонуни – Конституцияда акс этади. Бунда жамият аъзоларининг Конституцияни, демократик ўзгаришларни амалга оширишнинг тарихий заҳиратини англабгина қолмай, балки уни чинакам эркинлик, мустақиллик ва фаровонлик асоси, деб билишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Буни амалга ошириш ва унинг самарадорлиги жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ бўлади. Зеро, қабул қилинган қонунлар сони эмас, балки уларнинг ҳеч бир истисносиз ижро этилиши муҳим.

Шунинг учун ҳам, бир томондан, Конституция ҳуқуқий маданиятнинг намоён бўлиши, иккинчи томондан, ҳуқуқий маданият ривожини сифатида майдонга чиқади. Ҳақиқий Конституция қонунлар устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинлиги даражаси, ижтимоий-сиёсий кафолатлар характери, уларнинг умуминсоний тамойилларга мослиги билан белгиланади. Чинакам демократияга интилаётган жамият ўз халқи манфаатларини, уларнинг орномуси, кадр-қимматини, эркинликларини Конституциявий ҳолатга асосан муҳофаза қилишга қодир бўлган тақдирдагина кучли, қудратли бўлган давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини қуради.

Конституцияга умумий тарзда «Олий юридик кучга эга бўлган, бир томондан инсон ва иккинчи томондан давлат ўртасидаги муносабатлар асосларини, шунингдек, давлатнинг ўзини ташкиллаштириш ва фаолият кўрсатиш асосларини тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар тизими», дея таъриф бериш мумкин.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куриш асосий мақсад қилиб олиниб, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Асосий қонунимиз саналувчи Конституцияимиз собиқ Иттифоқ давридаги барча конституциялардан тубдан фарқланади. Биринчидан, янги қабул қилинган Конституцияимиз мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлиб, барча моддалари ҳақиқий мустақиллик ҳолати билан суғорилган. Илгариги Конституциялар эса Ўзбекистоннинг мустақиллигини таъминлаб олмай, диган, Республиканинг «суверен»лиги ҳақида куруқ сўзлар ёзилган, ҳуқуқий қоидалари қоғозда қолиб кетадиган расмий бир ҳужжат эди. Иккинчидан, янги Конституция ижодкор халқимизнинг хоҳиш – иродаси ва доно фикр – мулоҳазалари асосида ва жаҳонда тўпланган энг илғор конституциявий ривожланиш тажрибасини ва миллий давлатчиликимизни ҳисобга олган ҳолда мустақил ишлаб чиқилди. Аввалги конституциялар эса Марказий ҳокимият томонидан тайёрланган Иттифоқ Конституцияси нусхаларидан кўчириб олинган эди. Шу боисдан ҳам янги Асосий қонунимиз мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддима-сида Ўзбекистон халқининг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ҳолатига содиқлиги, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидан юксак масъулият, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таянчлиги, демократия ва ижтимоий адолат саноқлигини намоён қилиб, халқро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган қоидалари устуворлигини таъминлаш асосий мақсад сифатида белгилади ва мазкур қоидалар конституцияимизнинг қанчалик демократиявийлигини, халқчиллигини кўрсатади.

Суръат ИСОМИДИНОВ,
Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаси.

2014 йил – «Соғлом бола йили»

Ватанимиз келажаги, унинг равнаки ўсиб келаётган ёшлар қўлида. Зеро, мустақиллик қўлга киритилган илк кунларданок Республикаимизда асосий эътибор ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга қаратилди. Ёшлар тарбияси, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласида ўтган давр мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг дебочасидир. Маълумки, Ўзбекистонда 1997 йилдан бошлаб йилларни расман номлаш аънава тусига кирган. Албатта, ҳар йили 8 декабрь – Конституция кунини арафасида кириб келаётган янги йилга ўзига хос ном берилиши ва мазкур йилда шу номдан келиб чиққан ҳолда «Давлат дастури»нинг қабул қилиниши бежиз эмас. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишида 2000 йилни «Соғлом авлод йили», 2001 йилни «Оналар ва болалар йили», 2008 йилни «Ёшлар йили» ва 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ёшларнинг ҳар тарафлама қомил инсон бўлиб вояга етишларига катта йўл очди.

Шу йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Байрамда нутқ сўзлаган Мухтарам Президентимиз Исмоил Каримов кириб келаётган янги йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимиз янги йилга ном берар экан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқишда биринчи навбатда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустақамлаш каби масалаларга жиддий эътибор берилиши зарурлигини таъкидлади. Мажлис аҳли Юртбошимиз таклифини бир овоздан маъқуллади. Ушбу йилда қилинажак ишлар аввалги йилларда бажарилган ишларнинг узвий давоми сифатида Ватанимиз тараққиёти учун амалга оширилмоғи шубҳасиздир.

Ҳаётжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабаси.

САБОТ, СЕНГА БЎЛСИН ШАРАФ

«Зиё чашмаси»да босилган «Муаллим» ҳикоясининг ўқиб...

Адабиётнинг кучи ишонтиришда. Ҳар қандай бадий асар оддий халқ ҳаётига бегона бўлмаслиги керак. У инсонлар турмуши, тақдири, ички кечинмалари, орзу-умидларини ифода этиб, ўқувчи қалбидан чуқур жой олсагина у чинакам санъат даражасига кўтарилган бўлади. Бадий асардаги қайси бир вазият, воқеълик, қаҳрамон гап-сўзлари, ўй-у фикрлари бизга ўтмишдан қилган ишимиз ёхуд биз тушган вазиятнинг эслатса, хато ёки камчиликлариимизни ўзимизга моҳиятдан айлантириб бера олса, биз булардан тегишли хулоса чиқариб олсак ёзувчи ўз мақсадига эришиб, адабиёт ўз вазифасини уддалаган бўлади. Зеро, адабиёт инсонларни тарбиялашдек мураккаб вазифани бажаради.

«Зиё чашмаси» газетасида эълон қилинган Орифжон Одиловнинг «Муаллим» ҳикоясини ўқиб чиқдим. Ҳикоя яқин ўтмишда халқимиз бошига тушган қулфатлар даврида барча яқинларидан айрилган аёл, унинг синмас иродаси, поёнсиз меҳри ҳақида. Инсонлар бу дунёга бахтли бўлиш учун келадилар. Инсон учун бахт яқинлари, оиласи, ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари билан мукамал бўлади. Ҳикоя қаҳрамони Маҳбуба ая яқинларидан, демакки, бахтидан жудо бўлган аёл. Лекин унинг буқилмас саботи мустақам. Худо берган умрни, тақдирда борини сабр ва шукр билан қарши олишни инсонийлик бурчи деб билади. Маҳбуба ая образи ҳар қадамда учрайдиган одам қиёфаси эмас. У бошидан кечирган изтиробларига ҳамма ҳам дош беролмаслиги мумкин. Ая муштдек жуссасида тоғдай дард билан яшаётган вақтда унга фақат ширин хотиралари овунч бўлди.

Дунёда шундай сеҳрли куч борки, инсонни ҲАЗРАТИ ИНСОН даражасига кўтаради. Биз бу туйғуни Меҳр деб атаймиз. Меҳр макон, замон, инсон танламайдиган, бизнинг ардоғимизга лойиқ қалб гавҳаримиздир. Маҳбуба ая нафақат оиласига меҳрибон бека, балки шогирдларидан ҳам меҳрини қизғонмайдиган қалби дарё устоз. У Ақром Ихтиёровни тўғри йўлга йўналтирган, том маънода унинг инсон сифатида кашф этган кашшоф аёлдир. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Ақромжон ҳаёт йўлида қолқилса-да, йиқилмади. Маҳбуба ая унинг қалбига меҳр уруғларини тиккан эди. Мана ўша уруғлар униб, улкан дарахга айланди. Шунинг оқибатида Маҳбуба энди яна бир вақтлардагидек оналик ҳиссини туя олади. Орзуларидагидек набиралар тарбияси билан шуғуллана олади. У қўлини дуога очиб меҳрибон ўғли, келини, набиралари камолтини Яратгандан сўрай олади. Зеро, аёл учун бундан олий бахт йўқ!

Бундан ташқари иккинчи даражали қаҳрамон сифатида берилган мактаб директори, Салима, Қодиржон, уста йигит образларида ўзбекона рух, инсоний фазилатлар уфуриб турибди. Айниқса мактаб директори образининг характери жуда ёрқин чиғиб берилган. Буларнинг бари албатта ёш ижодкорнинг катта ютуғи деб ўйлайман. Ўқувчи сифатида Орифжон Одиловнинг ижодида улкан мувофақиятлар тиланган ҳолда, ундан яна кўплаб ижод намуналарини кутиб қолардим.

Феруза АБДУЛЛАЕВА,
Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаси.

Илм – интиланганики. Илм бериш эса муаллимнинг иши. Таълим сифати ва савияси эса жамоатчиликнинг муносабати, эътибори ҳамда назоратига боғлиқ.

Юртимизда таълим соҳаси ривожига тадбиқ этилаётган мақсадли дастурлар интеллектуал ривожланган, замонавий билим ва кўникмаларни мустақам эгаллаган, мустақил фикрлашга қодир, маънан ва жисмонан етук авлодни тарбиялаш, уларга шароитлар яратиш каби улғувор мақсадларни рўйбга чиқаришга қаратилган.


Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва миллий маънавият бўйича туб ислохотлар туфайли юртимизда фаровон ҳаёт барпо этилди. Ана шундай ислохотлардан бири «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга тадбиқ этилишидир. Ислохотлар даврида мактабгача таълимдан бошлаб, умумтаълим, ўрта-маҳсус, касб-хунар, олий таълим ва ундан кейинги таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-хунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган

Узлуксиз таълим

сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий-усlubий муаммолари тўғрисидаги илмий конференция

яхлит узлуксиз таълим тизими яратилди. Самарқанд қадимдан илм-маърифат маркази бўлиб келган. Бу улғу шаҳарда илм-фаннинг турли соҳаларига бағишланган халқро ва республика миқёсидаги илмий анжуманлар ўтказилиши аънавага айланган. Шундай анжуманлардан бири шу йилнинг 19-20 ноябрь кунлари бўлиб ўтди. Илмий анжуман узлуксиз таълим сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий-усlubий муаммоларига бағишланди. Мазкур анжуман 2008 йилдан буён аънавий равишда ўтказилиб келинмоқда.

Илмий анжуманнинг асосий мақсади узлуксиз таълим тизими бўғинлари ўртасидаги узвийликни таъминлаш орқали ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, илмий-усlubий тадқиқотлар ва тавсияларни умумлаштириш, ўқувчилар ва талабаларни тарбиялашда ҳамда ўқувчиларнинг ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш муаммоларини кенг муҳокама қилишдан




иборат. Анжуман иштирокчилари «Узлуксиз таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлаш муаммолари», «Таълимда чет тилларни ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини оширишда инновацион технологиялар», «Узлуксиз таълимда инновацион технологиялар ҳамда электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш», «Корпоратив ҳамкорлик доирасида бажарилаётган илмий ишлар» каби мавзуларга бўлинган шўьбаларда мазкурлар қилиниб, баҳс-мунозаралар олиб борилди. Бу анжуманда мен ҳам «Кавальери принциpidан фойдаланиб жисмлар ҳажмини топиш» сарлавҳали маърузам билан қатнашдим.

Айтиш мумкинки, илмий анжуман Республикаимиз Президентининг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгилаб берилган юқори малакали мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш, таълимда илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш, чет тилларини ва мутахассислик фанларини ўқитиш борасидаги ишларни янада кучайтиришга қўшилган муҳим ҳисса бўлади.

Нилуфар АЛЛАМУРОВА,
Институтимиз магистранти.

Дўстликни тараннум этамиз

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Ўзбекистон—умумий уйимиз" V республика дўстлик ва маданият фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди. 2003 йилда асос солинган анжуман ўн йилдан ошибдики, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада мустақамлашида муҳим аҳамият касб этмоқда. Институтимиз муסיқий таълим йўналиши 4-босқич талабаси Қувончбек Сарабеков ўз чиқиши билан томошабинларни хушнуд қилди ва республика Байналмилал маданият марказининг дипломига сазовор бўлди.



хитида яшаб, улкан бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлиш энг катта муваффақиятимиздир.

Мамлакат фестивали голиб ва совриндорларини тақдирлаш муносабати билан ўтказилган маросимда Республика Байналмилал маркази томонидан таъсис этилган махсус соврин Сангзор воҳаси вакилига топширилди.

- "Анъанавий халқ кўшиқларининг ёрқин ижрочиси" йўналиши бўйича тақдирланганимдан ниҳоятда мамнунман, - дейди Жиззах Давлат педагогика институти муסיқа таълими йўналишининг 4-босқич талабаси Қувончбек Сарабеков. - Бир неча кун мобайнида рус, қозоқ, татар, корейс, уйғур, қирғиз тилларида ижро этилган кўшиқлар дунёсида яшаб, бир олам завқ олдим. Бу оҳанглар бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Ўрганиш қийин эмас. Насиб этса, келгусида турли тилларга мансуб кўшиқларни куйламоқчиман.

"Дўстлик-барча боилиқдан афзал", дейилади, пурмаъно бир ҳикматда. Тинчлик ва осойишталик барқарор экан, мустақил диёримизда тараққиёт ҳам, ривожланиш ҳам юқори бўлишига шубҳа йўқ.

Умид РАҲМАТУЛЛАЕВ,
"Зиё чашмаси"нинг жамоатчи муҳбири.



Кўп минг йиллик тарихига эга юртимиз асрлар мобайнида бағрикенг диёр сифатида ном қозонган. Тарихий илдиларлари аҳиллик, биродарлик, меҳмондўстлик билан йўғрилган халқимиз азалаздан турли миллат вакиллари билан доим иноқликда яшаб, уларнинг маданиятига хурмат ва бағрикенглик билан муносабатда бўлиб келган. Мустақиллик йилларида бу фазилатлар бутун борлиги билан намоён бўлмоқда.

"Обод турмуш йили"да қабул қилинган кунининг 21 йиллиги кенг нишонланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек, "Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади". Республика Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Бадий академия, Республика Маънавият-тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, "Хунарманд" уюшмаси Республика бошқаруви ҳамкорлигининг меваси ҳисобланадиган фестивалнинг иш кунларида ҳам ана шу қатъият кўзга ташланди.

Жорий йилнинг ҳамалида йўлга тушган, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда кўплаб тадбир, учрашув ва кўрғазмалар ташкил этилишига сабабчи бўлган мамлакат фестивалида миллий истиқлол ғояси, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек улкан мақсадларни ўзида мужассам этганлиги таъкидланди. Бундай эзгу мақсад муштараклиги учун юрт тинч ва осойишта бўли-

ши лозим. Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик эса ана шу барқарорликнинг муҳим шароитлари ҳисобланади. Шу боис Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда миллатлараро муносабатларда бағрикенглик, аҳиллик ва тинчлик-тотувликни мустақамлашга устувор вазифа сифатида катта аҳамият бериб келинмоқда. Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб ўз суверен тараққиёт йўлини белгилаб олгани, бу борада муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган, узокни кўзловчи оқилона сиёсат жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари, жумладан, ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган. Асосий Қонунимиз эса дунёнинг йирик олим ва экспертларининг эътиборини қозонган.

Фестиваль доирасида ташкил этилган "Фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик - мамлакат ободлигини таъминлашнинг муҳим омили" мавзусидаги илмий-амалий конференция, "Кўп миллатли ва кўп конфессияли Ўзбекистон" мавзусидаги тасвирий ҳамда амалий санъат намуналари

кўрғазмаси ҳам мамлакатимизда ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, олтин мерос сифатида тарғиб-ташвиқ этиш, энг асосийси, миллатлараро муносабатларни тўлиқ қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоби вазифасини бажарди.

- Бугунги кун ёшлари онгида миллатлараро тотувликни барча чоралар билан мустақамлаш, соғлом турмуш тарзи, бағрикенглик, меҳр-оқибат тамойиллари аҳиллик, тотувлик ва дўстликда ўз ифодасини топади, - дейди, вилоят тожик миллий маданий маркази раиси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг аъзоси Абдукарим Шарипов. - Биз, турли миллат вакиллари ажойиб манзил - "Туркистон" саройида биргаликда дўстлик ва ҳамжиҳатлик борасида сўз юритдик, 2013 йилдаги ишларимизга яқин ясадик, келажакдаги фаолиятимизни ҳамжиҳатликда амалга ошириш ҳақида фикрлашдик. Энг асосийси, бундай шуқуҳли, тароватли байрамни ҳамма давлатларда ҳам уюштириш амри маҳоллигини кўпчилик таъкидлади. Ягона оилада иноқлик ва шукроналик му-

Глобаллашув ва ахборот асри башарият тарихида ўзига хос бир давр - инсоният тараққиётининг юксалиш даври десак, асло муболага эмас. Бугунги кунда ахборот асри уюшлари маданиятларнинг яқинлашуви, дунё халқлари ўртасида ўзаро дўстлик, биродарлик, бағрикенглик ғояларининг ривожланишига имкон бермоқда.

Бу бир томондан одамларнинг бошқа халқлар урф-одатлари, қадриятлари билан танишиб, тафаккур тарзи ва дунёқарашлари кенгайиши учун замин ҳозирлаётган бўлса, афсуски, шу заминда "оммавий маданият" ниқобидаги ахлоқий бузуқлик, эўравонлик, эгоцентризм, индивидуализм каби зарарли ғоялар ҳам ниш ураётгани бор гап.

Оммавий маданият - маънавий-мафкуравий тазйиқнинг энг хавфли кўринишларидан бири бўлиб, миллий маънавият, миллий қадриятларга қаратилган тажовузидир. "Оммавий маданият" кўнгилочар индустрия томонидан яратилган, охири-оқибатда инсонни манкурт даражасига туширадиган, бутун бир МИЛЛАТни маънан йўқ бўлиб кетишига сабаб бўладиган ИЛЛАТ-гайрияхлоқликдир! Хўш, оммавий маданият башарият шурида қандай қилиб, қачондан пайдо бўлди? Олимларнинг фикрича "оммавий маданият" жиноятчиликнинг ўсиши, оила инқирози, депопуляция (аҳоли сонининг кескин камайиши) каби кўринишларда илк аломатлари намоён бўлган (Ф.Фуқуяма "Буюк узулиш"). Айрим кунботар давлатларнинг киносаноатида беҳаё жанрларнинг

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ

миллий қадриятларга тажовуз

пайдо бўлиши, садизм, мозохизм сингари гайриинсоний хатти-ҳаракатларнинг "тараннум" этилиши оммавий маданиятнинг кучайишига олиб келди (Д.Вилкерсон "Хис этиш"). Юқорида ахборот технологиялари тараққиёт эта бориши жаҳон маданиятига ижобий таъсири ҳақида сўз юритилди. Таассуфки, ахборот алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги шароитда бундай ғоя тарафдорлари уни эркин: интернет, телевидение, радио, газета, журнал, сериал, комикс, бюллетен ва ҳатто кийим-кечак, болалар ўйинчоқларидаги ёзув ва тасвирлар орқали янада кенгроқ ёйишга интилмоқдалар. Бундай зарарли ғояларнинг жаҳон ахборот бозорида зўр бериб тарқатилаётгани натижасида "оммавий маданият"нинг таъ-

мас сўзидан —Дуглас Рашкофф таъбири) учун қобил вазифасини омма эътиборини қозонадиган воқеа-ҳодиса ва хабарлар бажаради.

Огоҳликка даъват

Сўнгги даврларга келиб геосиёсий вазиятнинг ўзгариши, рақобатнинг кучайиши натижасида пайдо бўлган "Демократия экспорти", "Иккиламчи меъёр" каби ахборот хуружларнинг кенг тармоқ ёйишида ҳам айнан аҳоли эътиборини қозониш мақсади ётмоқда. Зеро, кинотелевидение, матбуот, эстрада, реп - буларнинг бари вирус-"Оммавий маданият"ни ташувчи воситалардир. Истеъмолчи кино томоша қилади, газета ўқийди, телевизор кўради, муסיқа эшитади ва оқибатда "вирус" тўрига тушиб қолганлигини сезмай ҳам қолади. Агар ўз вақ-

тида бунинг олди олинмаса, бу бир кишининг эмас, бутун бир миллат, инсоният хасталигига айланиши мумкин. Қисқа қилиб айтганда глобаллашув жараёнида ҳар бир халқ, энг аввало, асрлар мобайнида шакланган маданияти, менталитети, асрий урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолишга, шу


ирода эгаси Сантьяго, "Уста ва Маргарита"даги чин инсоний муҳаббат рамзи Маргарита образларини бир эсланг! Магарки, "Демократия экспорт"чилари миллий ўзликни йўққа чиқаришга бел боғлашган экан, муҳтарам Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, биз ҳам "ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан" жавоб бермоғимиз даркор. Бундай вазифани уддалашда қуролни бадий адабиётдан изланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Маълумки, бадий адабиётда "Миллий калорит" тушунчаси бор. (Асардаги миллий калорит даражаси, албатта, ёзувчи савиясига боғлиқ, Бинобарин, ҳар қандай бадий

асар маънан етук қурол, деган фикрдан йироқмиз. Бадий асар билан бадий асарнинг фарқи борлигини ҳам унутмаслик даркор!) Бадий қаҳрамон тимсоли юксак савия, эзгу маҳорат, оригинал дид ва аниқ мақсад билан яратилган бўлса, бундай асарларни "дунё фуқаролиги"га даъвогарларнинг риёкорона ғояларига қарши қурол деса арзийди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, бадий адабиёт миллий менталитетни тараннум этар экан, ўзга халқлар анъаналарини инкор этмайди. Зотан, адабиётнинг муҳим вазифаларидан бири ҳам умуминсоний ғояларни куйлашдир. Унинг энг ишончли маънавий манба эканлиги ҳам шунда.

Орифжон ОДИЛОВ,
Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабаси.

Хамид ОЛИМЖОН таваллуд кунига

“Хамид Олимжон нодир истеъдод эгаси. қонида, кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида зукколик, шоирона сажия, билгичлик аён”.
МИРТЕМИР.



Бахт ва шодликни қуйлаган шоир

Ўзбек халқи азалдан адабиётга меҳр қуйган, бадиийлик қоннига сингиб кетган ижодкор халқдир. Шу сабабдан халқимизнинг ҳар бир фарзандига шоирона самимият хос. Халқимизнинг мана шундай асл фарзандларидан бири, нодир истеъдод эгаси, бахт ва шодлик қуйчиси Хамид Олимжондир. Азалдан адабиётга, халқона, бахшиёна оҳангларга чулганган юрт муҳити, туғма истеъдод эгаси бўлган устоз шоиримиз Хамид Олимжонга ҳам таъсир этиши табиий эди. Болалигидан бобоси Азим ота ва бувиси Ўғилой аядан эшитган эртаклари уни адабиётнинг сирли оламига олиб кирди. Бўлғуси шоирнинг мурғак қалбида адабиётга, шеъриятга бўлган қайноқ меҳр аста-секин ўз учкунларини соча бошлади. Айни шу учкунлар кейинчалик йирик-йирик шеърий достонлар, поэмаларга бошланғич пойдевор бўлди десак, муболага эмас. Шоирнинг шеъриятдаги илк қадами “Кимдир” деб номланиб, шунинг ўзиёқ ўзбек адабиётида янги меҳвар порлашидан дарак берган эди. Кейинчалик унинг “Кўклам” номи билан чоп этилган илк тўплами, шунингдек, “Тонг шабадаси”, “Олов сочлар”, “Дарс кечаси”,

“Ўлка” каби ўнлаб шеърий тўпламлари дунё юзини кўрди. Хамид Олимжон қалби қайноқ ижодкор бўлиш билан биргаликда изланувчан, илм-фанга меҳр қуйган закий инсон эди. Урта мактабни тамомлагач, Самарқанд билим юртида, сўнгра эса Педагогика академиясида таҳсил олди. Олган илмларини жамлаган шоир Тошкентга келади ва узоқ йиллар пойтахт газеталарида, Ёзувчилар уюшмасида, ЎзФАНнинг Тил ва адабиёт институтида фидокорона хизмат қилади. Айни пойтахт муҳити Хамид Олимжоннинг қалбида ҳақиқий адабиёт оловини алангалатди. Унинг ижодий бисотининг гўзал намунаси саналган “Ойгул билан Бахтиёр” эртак-достони худди шу йилларнинг маҳсули эди. Мазкур эртак-достон халқона оҳангга яратилгани, халқ эртагига асосланганлиги ва асосийси, ўзбек адабиётида илк яратилган эртак-достон эканлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Шоир ҳаётининг энг қизгин, ижодий камолотга эришган бир палласида ёш шоира Зулфия билан танишади. Зулфияхоним ҳам адабиёт чаманининг энг кўзга кўринган вакиласи бўлгани асно, бу икки юракнинг

бирлашувида қандайдир ҳикмат бордек эди. Афсуски, бешафқат ўлим бу икки оташин қалбни айирди. 1944 йил 3 июлда юз берган автоҳалокат шоирни орамиздан олиб кетди. Гарчи Хамид Олимжон қисқа умр кўрган бўлсада, ўзидан катта адабий мерос қолдирди. Шу қисқагина умрини халқига, адабиётга бағишлаб том маънода ўзига ҳайкал қўйиб кетди. Унинг асарлари, асрларга буй чўза олар даражадаги нодир адабий бисоти ўзбек адабиётига ўлмас мерос бўлиб қолди.

Хамид Олимжон шеъриятини ўқиганимизда қалбимизга илиқлик, шодлик, ёшлик ва бегуборлик саси ёпирилиб киради. Ва гўёки шоир ўз шеърларидан табассум ила боқиб тургандек.

**Кувончим шулким, толей ёр бўлиб,
Бахтин топан элни кўролдим.
Асрларнинг қайғусин қаргаб,
Шодлик ва бахт куйин чалолдим—**
деган эди шоирнинг ўзи. Ҳақиқатан ҳам Хамид Олимжон ҳар бир ўзбекнинг шуурида шодлик қуйчиси бўлиб, мангу яшайди.

**Ойбарчин МУҲАММАДЖОНОВА,
Дефектология йўналиши талабаси.**

Адабиёт - одобият, одоблар мажмуаси. Адабиёт - ўз ибтидоидан бошлаб инсонларни эзгуликка йўлловчи маёқ. Шу ўринда болалар адабиёти деган бир соҳа борки, бу соҳанинг вазифаси, масъулияти жамият олдида янада улканроқ қўринадир. Негаки бугунги бола эртанинг эгаси, келажакимизнинг яратувчиси. Ана шу эртамик эгаларининг юрагида бунёдкорлик, эзгулик, эл-юртга, Ватанга, табиатга меҳр-муҳаббат уйғотишда бадиий адабиётнинг роли катта. Ушбу мақолада биз ана шундай ёруғ мақсадга хизмат қилиб келаётган, ўзбек болалар ҳикоячилигининг гўзал намунаси “Фонарчи ота” ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз. Ҳикоя улкан истеъдод эгаси, XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакили Ойбек қаламига мансуб.

Ойбекнинг “Фонарчи ота” ҳикоясини ўқир эканмиз, ёзувчи шахсиятида туйғу ва фикрнинг ўзаро уйғунлигини кузатамиз. Адиб бадиий мақсадни рўйбга чиқариш учун фонар детални, Фонарчи ота образини ҳамда ўзларини зўр ҳисоблаган зўравон ва ўйинқароқ болаларни ҳикоя қаҳрамонлари этиб танлаган.

Бир жиҳатга эътибор қаратайлик, ёзувчи қаҳрамонини “Фонарчи ота” деб номламай, Қобил бобо, Асрор ота деб ҳам аташи мумкин эди-ку.

Ёзувчи нега қаҳрамонини айнан унинг машғулотида келиб чиқиб номлади. Чунки адабий қаҳрамон - ёзувчи қалбининг кўзғуси. Китобхон қайси бир асарни ўқимасин, унда тасвирланган қаҳрамон образида ёзувчи қалбининг зарраларини кўради.

Ойбек асарларининг қаҳрамонлари ҳам маънавий гўзал, олийжаноб, танги, миллий ва умумбашарий қадриятларга хурмат туйғуси билан йўғрилган инсонлар эканига амин бўламиз. Агар биз Ойбекнинг маънавий ҳаётига назар ташлайдиган ва замондошларининг адиб ҳақидаги хотирала-

рини ўқийдиган бўлсак, унинг ниҳоятда олийжаноб ва ҳатто авлиё сифат инсон бўлганлигини кўраемиз. Худди шунингдек, Фонарчи ота қаҳрамонининг номида ҳам маълум мазмун, ёруғлик, нур, эзгулик тарқатувчи каби маъноларни ўқимиз мумкин. Бу ҳикояда фонарчи отани “паст бўйли, бурушқ юзли бир чол” - деб тасвирлаш билан бирга фонарчи ёққач, ерга тушиб, “...обкашдек букилган елкасига нарвончасини қўйиб бирпасда кўздан йўқолар эди”, - дейди. Хўш, ёзувчи нега

чиرويلى бўлдим”, - деб жилмайиб тургандек, болаларнинг гашини келтиради. Энди болаларнинг газаби фақат фонарга эмас, уни ҳар куни ёқиб кетадиган чолга ҳам қаратади.

Шўх-шодон, ўйинқароқ болалар ўйин учун фонарнинг кўзига тош-кесаклар отиб синдирадилар. Бундай бузғунчилик улар учун оддий эрмак бўлиб қолади. Бу қилмишларнинг охир-оқибати нима бўлишини билмай, фақатгина, чолнинг гашига тегиб, унинг сабр касасини тўл-

синдириш, йўқ қилишидан иборат. Шу сабабдан ҳам улар енгилдилар. Фонарнинг эса кичик ва кучсиз бўлишига қарамай, мақсади эзгулик, нур таратиб одамларнинг йўлларини, қоронғу кўчаларни ёритишдир. Шунинг учун ҳам у эзгулик тарафига галаба қозонади.

Бу ҳикоя бугунги кунда ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган. Ҳикояни ўқир эканмиз, ҳамиша эзгуликлар ва яхшиликлар галаба қозонишига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ёзувчи ҳикоя сўнгида фонарчи отани қандай эслаган бўлса, халқ ҳам юрти учун эзгу иш қилган инсонларни асрлар оша ёдида саклайди.

Бугунги кунга келиб, фонарлар ўрнини электр лампалар

эгаллади. Кенг кўчаларни ёритиб турган турли-туман лампалар сим тўрлар билан ўралиб ҳимояланган. Наҳотки, энди “Фонарчи ота” ўрнини сим тўрлар боса олса? Наҳот, биз “Фонарчи ота”лар йўқлигига кўникиб қолган бўлсак?

Йўқ, “Фонарчи ота”ларга ҳар доим, ҳамма даврларда эҳтиёж туғилади. Чунки, қоронғу йўлларни, нафақат қоронғу йўллар, балки инсон қалбини ёритувчи “машъала” ҳар бир инсон, ҳар бир давр учун зарурдир.

Нега бўлмаса, бугунги кунда “Фонарчи ота”лар кўринмайди. Бугунги кун оталари “Фонарчи ота” бўлолмайдиларми, ёки “Фонарчи ота” бўлишни истамайдиларми?.. Бу энди, албатта, алоҳида мавзу. Аммо Ойбекнинг “Фонарчи ота” ҳикоясини ҳар гал муталаа учун қўлга олганимизда миллий адабиётимизда яратилган ўзбек оталари: Юсуфбек Ҳожи, Очил бобо, Асрор боболар қаторидан муносиб жой олиб турган Фонарчи отани кўриб кўнглим яйрайди.

**Гулбахор ҚУРБОНОВА,
Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услубий кафедраси кабинет мудири.**

БАДИИЯТ САБОФИ

бу ўринда “обкаш” сўзини ишлатди экан. Обкаш билан Фонарчи ота ўртасида қандай ўхшашлик ёки боғлиқлик жиҳатлари бор? “Обкаш” сўзининг маъноси нима? Обкаш бу сув ташувчи кишининг номидир. Қадимда, авваллари сувни одамлар елкасига узун мустаҳкам ёғоч қўйиб, икки томонига идишларини илган ҳолда сув ташиганлар. Энди тасаввур қилинг, шу аҳволда доим сув ташиб турувчи обкашнинг елкаси қанчалик букиб бўлиб қолишини... Ёзувчи ҳам қаҳрамонини айнан обкашнинг жуссаси, елкаси мисолида тасвир этади.

Биламизки, болалар психикаси катталарникидан фарқ қилади. Катта ёшдагилар бирор гўзалликни кўрса ёки чиройли нарсаларга кўзи тушса уни авайлаб, ундан баҳра олишига ҳаракат қилади. Лекин ёш болаларда бунинг акси бўлади, улар чиройли нарсаларни ўйнагиси, синдиргиси, йўқ қилгиси келади. Ҳикоядаги болалар ҳам ёниб, нур таратиб турган фонар билан ўйнагиси келади. Улар фонарга дўппиларини отиб ўйнайдилар. Кимнинг отган дўпписи фонарга кийилиб қолса, у мерган ҳисобланарди. Кейинчалик дўппи қийган фонар худди “менга дўппи ярашиб, яна ҳам

диришга ҳаракат қиладилар.

Аммо ҳаёт қозонида обдон қайнаган, умри давомида турфа хил инсонларни кўриб тажриба орттирган ота болалар кутганидай ўларнинг ортидан ҳаллоллаб қувиб, ушлаб олиб қулгидан қузиб, тарсаки урмади.

Ақсинча, у жаҳолатга ҳақиқий кўпни кўрган оталардек мулоҳаза билан жавоб берди. Фонарчи ота уларнинг шунчаки ўйин, тегажонлик ҳазил деб қилаётган ишларининг оқибати қанчалар хунук бўлганини қоронғуликда йўл топмай ариққа йиқилиб тушиб, азийат чеккан кекса бир отахон мисолида болаларга жуда таъсирчан қилиб тушунтириб берди. Ўз қилмишлари учун бошқача муносабат кутиб турган болалар бундай мулоҳазалик, андиша, бағрикенглик олдида уялиб қолдилар. Шунда уларнинг ҳар бири ана шу ариққа йиқилиб, шалаббо бўлган одам тимсолида ўз оналарини, ўз оталарини тасаввур қилиб қаттиқ афсус чекади.

Бир гала болалар билан кучсиз кичик фонар ўртасидаги курашда охир-оқибат фонар ғолиб бўлади. Воқеанинг бундай натижа билан яқунланишига сабаб, болалар кўпчилик ва кучли бўлса ҳам уларнинг мақсади бузғунчилик қилиш,

Ш О И Р Г А

*Эти қуллаган ёшлик боғимда,
Сен ойлдин қўйил боғимда...*
Хамид Олимжон.

Сангзор сувининг ирмоқларида,
Викор тоғларининг титроқларида,
Дунёга келганди ажиб бир шоир,
Шеърият мулкининг сўроқларида.

Келдию юлдуздек таратди нурын,
Илмга баҳшида этди қалб кўрин.
Халқига меҳрию, юртга садоқат,
Асир этган эди кўнглининг тўрин.

“Энг гуллаган ёшлик чоғ”ларин эслаб,
Айланди бир лаҳза соғинч қулига.
Ўхшатиб ёр васлин эрта баҳорда,
Очилган бегубор ўрик гулига.

Шундайин забардаст бир инсон эди,
Шодлик эди унинг ҳар он йўлдоши.
Куйлади булбулдек Ватан мадҳини,
Тушсада бошига тўхматлар тоши.

Умр ғаниматдир, тақдир бешафқат,
Шоирнинг бошига балолар солди.
Тангрим бу ҳолатга қилолмай тоқат,
Эрка шоирини қайтариб олди.

Ёзган сатрлари йиллар ўтсада,
Зиёси чароғон, таратмоқда нур.
Шоирдан сўнг яшар авлод кўксига
Бағишлаб ифтихор, садоқат, гурур.

Шеърим битаётиб ўйладим бир дам,
Мангу яшамоққа керамикан жон?
Мангу дунёларга кетган бўлса ҳам,
Нечун ҳамон тирик Хамид Олимжон?

Шунда тезлашгандай уриб юрагим,
Англадим мангуга дохиллик йўлини.
Агар бўлсин десанг юртга керагим,
Топмоқ керак экан она халқ кўнглини.

Она халқ меҳрини қилганча орзу,
Эл-у юрт дардини қозоғга солди.
Шу сабаб шеърият бўстонида у,
Сўнмас юлдуз мисол чарақлаб қолди.

Неча йил ўтсада, аср ўтсада,
Бу юлдуз зиёси ўчмас бегумон.
Ўзбек деган мунис халқ юрагида,
Мангу яшайверар Хамид Олимжон!

**Дилшод ЎРОЛОВ,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.**

Алишер НАВОЙИЙ ҳикматлари

Пок, соф ишати кишиларга талши!

Навоисиз улуснинг навобахши бўл,

Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлди,

Ҳам жонларига мови дармон бўлди.

Одамий эрсанг, демаскил одамий,

Ошишам йўр, халиқ гамидин гами.

Нафъинг азар халққа бешадурур,

Билки, бу нафъ ўзига кўнрайдурур.

БИЛДИРИШ

“Зиё чашмаси”нинг 2013 йил сентябрь ойи сониди 4-саҳифада эълон қилинган “Элементлар” кроссвордининг тузувчилари кимё йўналиши талабалари Н.Раҳмонов ва Ф.Турсунов эканлигини газетхонларимизга маълум қиламиз.

Тахририят ушбу хатолик учун муаллифлардан узр сўрайди.

Зиё чашмаси

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институту

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил
этилламайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят
нуқтиси назаридан фарқланиши
мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2006 йил
26 декабрда 06-017 рақами билан
рўйхатга олинган.

Босишга топширилган
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев.

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика
институту.

«Jizzax-Print»
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili:
Jizzax shahri, 130100.
Sayiljoyi ko'chasi,
4-uy.

Офсет усулида 6250 нусхада босилди.
Буюртма № . Shaki-A-3.